

**Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан 2024 йилнинг
январь-февраль-март ойлари мобайнида жисмоний ва юридик
шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати тўғрисида**

А Х Б О Р О Т

Мухтарам Президентимиз томонидан 2024 йилни “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан, халқ билан мулоқот ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Жойларда аҳоли билан юзма-юз ва очик мулоқот ўтказиш, улар томонидан кўтарилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар ҳафтада вилоят ҳокими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонасида, шаҳар ва туманлар ҳудудида ҳамда вилоят ҳокимлигида мунтазам шахсий қабуллар, шунингдек тадбиркорлар учун алоҳида қабуллар ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг “Telegramm”, “Веб-сайт” ва “Facebook”даги расмий саҳифалари орқали туну-кун мурожаатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилиб, назоратга олинмоқда. Ёшларни қийнаб келаётган муаммоли масалалар ва таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш мақсадида, вилоят ҳокимининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлигининг “Ёшлар мурожаати” веб-сайти ва Call-center орқали мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тизими жорий этилган.

Мунтазам равишда 4 та сектор раҳбарлари иштирокида жойларда аҳоли ва тадбиркорлар учун сайёр қабуллар ўтказилмоқда.

Вилоят ҳокимлигига 2024 йил январь-февраль-март ойлари давомида жисмоний ва юридик шахслардан **жами 1 221 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **263 та (ёки 22%)** ёзма, **771 та (ёки 63%)** оғзаки ва **187 та (ёки 15%)** виртуал мурожаатлар келиб тушган бўлиб, **2023 йилнинг мос даврида** бу кўрсаткич **1 963 тани** ташкил этгани ҳолда **742 та (ёки 38%)га** камайган.

2024 йил январь-февраль-март ойлари давомида **вилоят ҳокимлигида** раҳбарлар томонидан **жами 771 нафар** жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган бўлиб, **2023 йилнинг худди шу даврида** бу кўрсаткич **937 нафарни** ташкил этган бўлиб, қабулга келувчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **166 нафарга (ёки 18%)га** камайган.

Бундан ташқари, жорий йилнинг январь-февраль-март ойлари мобайнида вилоят ҳокимлигига фуқаролардан тўғридан-тўғри **жами 263 та** ёзма мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2023 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **688 тани** ташкил этган ҳолда мурожаатл этувчилар сони **425 тага (ёки 62%)га камайган.**

Шунингдек, жорий йилнинг январь-февраль-март ойлари мобайнида вилоят ҳокимлигига Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали **жами 187 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2023 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **271 тани** ташкил этган ҳолда мурожаатл этувчилар сони **84 тага (ёки 31%)га камайган.**

Жорий йил 3 оyi давомида вилоят ҳокимлигига электрон мурожаатлар келиб тушмаган. Ўтган **2023 йилнинг мос даврида жами 67 та** мурожаат келиб тушган.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туришини инобатга олган ҳолда мурожаатларни бевосита муаллиф иштирокида ўрганиш, кўтарилган масалани ҳал этиш ёки қонунчиликда белгиланган нормалар бўйича тушунтириш бериш амалиётига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Энг кўп мурожаатлар **Наманган шаҳрида 259 та (21%), Уйчи туманида 120 та (10%), Давлатобод туманида 112 та (9%)** ва **Янгикўрғон туманида 77 та (6%)** ҳиссасига тўғри келади.

Вилоят ҳокимлигига келиб тушаётган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар уй-жой ва ер майдони олиш **243 та (ёки 20%),** моддий ёрдам ажратиш **158 та (ёки 13%),** қурилиш масалалари **86 та (ёки 7%),** Соғлиқни сақлаш масалалари **72 та (6%)** ва иш, иш ҳақи ва имтиёз масалаларида **71 та (ёки 6%)ни** ташкил этади.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича

2024 йил январь-февраль-март ойлари давомида шаҳар ва туманлар ҳокимликларига жисмоний ва юридик шахслардан жами 6 701 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **1 658 та (ёки 25%) ёзма, 2 520 та (ёки 38%) оғзаки, 2 501 та (ёки 37%) виртуал** ва **22 та (ёки 0.3%) электрон** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, **2023 йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 7 521 тани** ташкил этгани ҳолда **820 та (ёки 11%)га камайган.**

2024 йилнинг 3 ойи давомида шаҳар ва туманлар ҳокимликларида раҳбарлар томонидан **2 520 нафар** жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган бўлиб, ўтган 2023 йил январь ойида бу кўрсаткич **2 733 нафарни** ташкил этган бўлиб, қабулга келувчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **213 тага (ёки 8%)га камайган.**

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар ва туманлар ҳокимликларига фуқаролардан тўғридан-тўғри **жами 1 658 та** ёзма мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2023 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **1 965 тани** ташкил этган ҳолда мурожаат этувчилар сони **307 тага (ёки 16%)га камайган.**

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар ва туманлар ҳокимликларига фуқаролардан Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали **жами 2 501 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2023 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **2 535 тани** ташкил этган ҳолда мурожаат этувчилар сони **34 тага (ёки 1%)га камайган.**

Шунингдек, шаҳар ва туманлар ҳокимликларига фуқаролардан электрон тарзда **жами 22 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2023 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **288 тани** ташкил этган ҳолда мурожаат этувчилар сони **266 тага (ёки 92%)га камайган.**

Энг кўп мурожаатлар Наманган шаҳрида **962 та (ёки 14%)**, Поп тумани **681 та (ёки 10%)**, Чуст туманида **553 та (ёки 8%)**, Янгиқўрғон туманида **510 та (ёки 8%)** ва Косонсой тумани **508 та (ёки 8%)** ҳиссасига тўғри келади.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига келиб тушаётган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар моддий ёрдам олиш масалаларида **740 та (ёки 11%)**, уй-жой ва ер майдонлари олиш масалаларида **456 та (ёки 7%)**, соғлиқни сақлаш масалаларида **241 та (ёки 4%)**, оила масалаларида **202 та (ёки 3%)**, иш ва иш хақи масалаларида **159 та (ёки 2%)** ва электр ва газлаштириш масалаларида **159 та (ёки 2%)** ва ни ташкил этади.

Мурожаатларни қаноатлантириш даражаси кўрсаткичлари **паст бўлган ҳокимлик – Янгиқўрғон туман ҳокимлиги 66 %** қайд этилди.

ТАКЛИФЛАР:

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида мазкур Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўриб чиқилмаслиги белгиланган. Бироқ, Президент виртуал қабулхонасидан келаётган айрим мурожаатларда мурожаат этувчилар томонидан қонунсиз талаблар қўйиш (“Уй-жойини таъмирлаб бериш”, “чет элда таҳсил олаётган фарзанди учун йирик миқдордаги контракт пулини тўлаб бериш ёки ҳомий ташкилот бириктириб бериш”, “бошланғич тўловсиз намунали уй-жой олиб бериш” ва ҳ.к) юқоридаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаганлиги сабабли, янги ташкил этилаётган ягона платформа тизимида Президент виртуал қабулхонаси ишчи гуруҳи томонидан ушбу турдаги мурожаатлар келиб тушган вақтда қабул қилинмаслиги, шу жараённинг ўзидаёқ юқоридаги қонун талаби кўрсатилиб, қабул қилмаслик ва ижрога йўналтирмаслик таклифи билдирилади.

Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан топшириқда кўрсатилган вазифалар ижросини ўз вақтида ва самарали ташкил қилиш тадбирлари амалга ошириб борилиши таъминланади.

Наманган вилояти ҳокимлиги